

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 15 август, № 167-168 (7125-7126) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ҲАР БИР ТАРМОҚ, ҲУДУД ВА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СТРАТЕГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август куни мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан ўтган ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 64 миллиард долларлик 849 лойиҳа рўйхати шакллантирилди. Уларнинг 456 тасини 2018 йилда, 125 тасини 2019 йилда, 268 тасини истиқболда амалга ошириш белгиланган.

Президентимиз жорий йилда 5 миллиард 800 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу борада тартиб-интизом ва самарадорликни таъминлаш мақсадида жорий йилга белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш учун нафақат Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва тармоқ идоралари раҳбарлари, балки Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, қўмиталар раислари ҳамда Президент давлат маслаҳатчилари шахсан масъул этиб бириктирилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири барча инвестиция лойиҳаларига умумий раҳбарлик қилиш билан бирга, 144 та лойиҳа, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари 18 та лойиҳа бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишига бош-қош бўлади.

Йиғилишда инвестицияларни жалб этиш бўйича ижро натижаси қониқарсиз экани қайд этилди. Масалан, Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан бажарилиши режалаштирилган ишлар ҳажми 7 фоизгагина етган. Вилоятлар кесимида оладиган бўлсак, мисол учун, Хоразмда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар қиймати атиги 10 миллион долларни ташкил этади. Бу мамлакат бўйича энг паст кўрсаткичдир.

Йиғилишда қайси раҳбар қандай инвестиция лойиҳаларига масъул экани, уларнинг қиймати ва бажарилиш муддатлари бирма-бир муҳокама қилинди. Тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш ҳолати бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни вақтида ва сифатли бажариш, янгиларини ишлаб чиқишни таъминлаш топширилди. Бунинг учун жадвал асосида ҳар ҳафта ҳудудларга чиқиш, лойиҳа ташаббускорлари билан алоқада бўлиш ва уларнинг муаммоларини аниқлаш, автоматлаштирилган мониторинг тизимини жорий этиш, жойларда халқаро инвестиция форумларини ўтказиш лозим.

— Лойиҳаларни амалга ошириш мониторингини автоматлаштирилган тизимга ўтказмас эканмиз, бу борадаги муаммоларни ўз вақтида аниқлай олмаймиз. Бу тизим тўғридан-тўғри хорижий сармоя киритаётган инвесторларга амалий кўмаклашиши, уларнинг ишини осонлаштириши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ой охирида Жиззахда халқаро инвестиция форуми ва Товар ишлаб чиқарувчиларнинг миллий кўргазмасини ўтказиш кўзда тутилаётганини қайд этар экан, мазкур тадбирларни юксак савияда ўтказиш учун барча чоралар кўрилиши зарурлигини таъкидлади. Ҳар бир вазирлик, ҳокимлик ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўзи масъул бўлган тармоқ, ҳудуд ва соҳа бўйича махсус тақдимотлар тайёрлаб, ушбу форумда намойиш қилиши, мамлакатимизнинг хориждаги элчихона ва ваколатхоналари бундай анжуманларда қатнашиш учун камида 4-5 тадан салоҳиятли инвесторларни топиши керак.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг хорижий давлатларга қилган хизмат сафарлари натижаларига ҳам эътибор қаратилди.

Аввал берилган топшириққа мувофиқ, Ишчи гуруҳ томонидан бу борадаги ишлар ўрганилгани, хусусан, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор тизимли муаммолар аниқлангани қайд этилди. Ушбу ҳудудларда фармацевтика, электротехника ва машинасозлик соҳасида кенг имкониятлар мавжуд бўлса-да, асосан, қурилиш материаллари ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотни қайта ишлаш лойиҳалари билан чекланилгани танқид қилинди. Юқори технологик тармоқларга асосланган лойиҳалар бўйича ҳеч қандай таклиф киритилмаган.

Кўпчилик делегация аъзоларининг мақсадли дастури бўлмагани, хорижликларга ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти бўйича аниқ маълумотлар берилмагани, айрим келишувлар қоғозда қолиб кетаётгани кўрсатиб ўтилди. Масалан, жорий йилнинг март ойида Бельгияга борган Наманган вилояти делегацияси Норин туманида 200 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплексини ташкил этиш бўйича 3 миллион долларлик лойиҳа келишувини имзолаган. Бироқ орадан 5 ой ўтганига қарамасдан, уни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай иш бошланмаган.

Инвестиция қулай муҳитни талаб қилади. Мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда. Лекин вазирлик ва идораларда, ҳокимликларда бугунги кун, яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган инвестициявий стратегия йўқ, яъни ташаббускорлик кўзга ташланмаяпти.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлиги маҳаллий делегацияларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари олдидан ташрифнинг мақсади, таклиф этилаётган лойиҳалар ва кутилаётган амалий натижалар бўйича тақдимот ўтказиш тартибини жорий этиши зарурлиги таъкидланди. Хизмат сафарида эришилган келишувлар бўйича "йўл хариталари" ва тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ҳамда қатъий ижро этиш, тармоқ ва йўналишларни назарда тутувчи Инвестициявий стратегия лойиҳасини тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

**биринчидан,** ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкўравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

**иккинчидан,** миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

**учинчидан,** ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўгараклари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**тўртинчидан,** ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

**бешинчидан,** ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

**олтинчидан,** соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.

(Давоми 2-бетда).

## УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ВА ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУНОСИБ ЎТКАЗИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов раҳбарлигида 2018 йил август ойида мамлакатимизнинг барча ҳудудида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, 18-19 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва Қурбон ҳайитини нишонлашга тайёргарлик кўриш, уни муносиб ўтказиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

Дастлаб, 18-19 август кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарини муносиб ташкил этиш билан боғлиқ масалага тўхталиб ўтилди.

Мустақиллигимизнинг йигирма етти йиллиги ва Қурбон ҳайити байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига алоҳида дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, ёшларимизни юксак инсоний туйғулар руҳида ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, маҳаллалар, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва республиканинг барча ҳудудида санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида 2018 йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойи деб эълон қилинди.

Ҳашар кунлари аҳоли, айниқса, ёшлар онгида "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган ғояни чуқур сингдириш, ўз уйини, маҳалласини, иш жойини тоза, озода сақлаш, обод бўлишига ҳисса қўшиш, бу жараёнларга маҳалла аҳолиси, корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимларини уюшган ҳолда, жамоа бўлиб иштирок этишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

➡4

Эксклюзив интервью

## ШҲТ тинчлик ва дўстлик сарҳадларини мустаҳкамлайди

*Шу йил июнь ойида Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 18-саммити бўлиб ўтди. Экспертлар уни тарихий ва қатор муҳим ташаббуслар қўллаб-қувватлангани боис, ҳатто ташкилотнинг кейинги даврини белгилаб берди, дея таърифламоқдалар. Ана шу саммитда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Владимир Норовни ШҲТ Бош котиби лавозимига тасдиқладилар. У 2019 йил 1 январдан ўз лавозимига расман киришади. Мухбиримиз Владимир НОРОВ билан эксклюзив интервью уюштирди.*



*— Владимир Имомович, Циндао саммитининг асосий натижалари нималардан иборат бўлди?*

— Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бир қатор обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар орасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда, минтақавий ва глобал миқёсда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил ривожланишнинг таъсирчан омили бўлиб хизмат қиляпти.

Ўз навбатида, қайд этиш жоизки, ташкилот ўз ишида очиқлик ва учинчи томонга қарши йўналмаслик тамойилларига таянмоқда. Ишонч, тенглик, ўзаро манфаат ва маслаҳатлашувлар, маданиятлар хилмахиллигини ҳурмат қилиш, ҳамкорликда ривожланишга интилишга асосланган "Шанхай руҳи"га содиқлик қўшни ва узоқ минтақалар мамлакатлари, халқаро ва ҳудудий ташкилотларнинг ШҲТ билан ҳамкорлик қилишга қизиқишини оширди. ХХРнинг раислик қилган даврида ўтказилган 160 дан зиёд тадбирларнинг ижобий самараси ўлароқ ҳамжиҳатлик ва якдиллик пойдевори янада мустаҳкамланди.

Циндаодаги саммитда давлатлар раҳбарлари Хитойнинг ШҲТга раислик қилган йил якунларини, келгусидаги ҳамкорлик режаларини атрофлича муҳокама қилдилар, шунингдек, ташкилотнинг ривожланиш йўналишларини белгилаб олдилар. Ушбу саммит бир қанча омиллар орқали ШҲТ фаолиятида янги даврни бошлаб бериб, тарихий аҳамият касб этади:

Биринчидан, ШҲТга аъзо мамлакатлар етакчиларининг Циндаодаги учрашуви ташкилотга янги аъзолар — Ҳиндистон ва Покистон қўшилганидан кейинги илк саммит.

➡3

## ЯНГИ НАМУНАДАГИ ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академикларига янги намунадаги гувоҳномалар топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, илм-фан доираси вакиллари, академиклар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

Президентимиз раҳбарлигида 2018 йил 20 июль куни Ядро физикаси институтида Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув бўлиб ўтган эди. Мулоқотда академиклар гувоҳномасининг янги намунасини ишлаб чиқиш, академикларни гувоҳнома билан тегишли вазирликлар ва идораларга ҳеч қандай тўсиқсиз киришини таъминлаш юзасидан билдирилган таклифлар тўлиқ қўллаб-қувватланди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан академикларнинг янги намунадаги гувоҳномаси ишлаб чиқилди.

➡4

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

27

## «Энди ҳар қанча меҳмон кутсак ярашади»



*Тонг саҳарда, қуёшнинг заррин нурлари ҳали ёйилиб улгурмасданоқ шаҳар бўсағасидаги Боғишамол адирликларида ястанган сокин мавзе аллақачон уйғонган, қатор тизилган қирқ бешта чодир-палаткада қўним топган қурувчилар бунёдкорлик ишларига шайланган бўлади. Бу — қайноқ ҳаёт нафаси уфуриб турган, таъбир жоиз бўлса, Андижон заминидаги улкан яратувчиликнинг тимсолига айланган Мустақилликнинг 27 йиллигига аталган янги маҳалланинг бугунги манзараси.*

*Намунавий лойиҳалар асосида атиги 35 кунда қуриб битказилган*

**82 та**

*уй яқиндагина ўз эгаларига тантанали равишда топширилган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай бу ерда қўшимча*

**140 та**

*уй-жой бунёд этишга киришилди. Учинчи босқичда эса*

**900 та**

*ҳовли-жой қад ростлайди.*

➡4



# ШҲТ тинчлик ва дўстлик сарҳадларини мустаҳкамлайди

1 ➡

Бу давлатлар ташкилотга кириши билан ШҲТ дунёдаги энг катта ҳудудни ва сайёра аҳолисининг деярли ярмини қамраб олган, жаҳон ЯИМнинг учдан бирини ишлаб чиқарадиган энг йирик халқаро ташкилотга айланди. Бундай кўлам ташкилот маконида ҳамкорлик учун катта истиқболларни очиш билан бир қаторда, халқаро ҳамжамият билан кўп томонлама фаол алоқалар учун янги уфқларни очади, минтақавий, халқаро хавфсизлик ва барқарорлик, биргаликда оғишмай тараққий этиш йўлида хизмат қилувчи ШҲТнинг мулоқот майдонини кенгайтиради.

Иккинчидан, саммит ШҲТнинг жаҳон айвонидаги нуфузи ва таъсири ортганини намоён этди. Циндаода 12 мамлакатдан давлат ёки ҳукумат бошлиқлари, шунингдек, 8 та халқаро ташкилот ва муассасалар раҳбарлари йиғилди. БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад, АСЕАН, МДҲ, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Осиёда Ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш кабиларнинг олий раҳбарлари, Евросиё иқтисодий иттифоқи, Жаҳон банки ва ХВЖдан юқори даражадаги вакиллар саммитда иштирок этди. Рўйхатдан ўтган хорижий меҳмонлар 2 мингдан ортди, тадбирни 3 мингдан зиёд хитойлик ва чет эл журналистлари ёритиб борди.

Хитой Халқ Республикаси ўзининг бир йиллик раислик даврида янада хавфсиз ва тараққий этган дунёни яратиш мақсадида ШҲТ маконидаги янги хавф-хатарларни енгиб ўтишга катта ҳисса қўшгани саммитнинг барча иштирокчиси томонидан эътироф этилди.

Учинчидан, Циндао саммити ШҲТдаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини сезиларли даражада кучайтирди. Кўп томонлама алоқаларнинг барча соҳасини қамраб олган 23 та ҳужжат қабул қилинди. Бу — ШҲТ саммитлари тарихидаги энг юқори кўрсаткич. Якуний ҳужжат бўлмиш ШҲТга аъзо мамлакатлар етакчиларининг Циндао декларацияси иштирокчиларнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашга оид масалалар бўйича якдил позициясини акс эттирди. Давлат раҳбарлари ҳамкорликни кучайтириш ва алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш заруратини бир овоздан тасдиқлади. Аъзо мамлакатларнинг бирдамлик ҳамда ўзаро манфаат асосида "Шанхай руҳи" ва муроса тамойилига қатъий риоя қилиши дунёнинг кўплаб минтақалари маҳаллий можароларга дуч келаётган, глобал бошқарув тизими инқирозни бошдан кечираётган бир даврда ШҲТни жаҳон ҳамжамияти учун ўзига хос намунавий маконга айлантиради. ШҲТга Жанубий Осиёнинг икки энг йирик давлати қўшилгач эса, бу янада долзарб вазифага айланди. Циндао декларацияси томонларнинг яхши қўшничилик ва дўстона алоқаларни ривожлантиришда, ўзаро чегараларни мустаҳкам тинчлик ва дўстлик сарҳадларига айлантиришда давом этиш ниятини тасдиқлади.

Саммитда ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси маъқулланди. Қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан қуйидагиларни тилга олиш мумкин: Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик концепцияси, ШҲТга аъзо мамлакатларнинг келгуси беш йилга мўлжалланган наркотикларга қарши стратегияси, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича ШҲТ Концепцияси кабилардир. ШҲТга аъзо давлатлар етакчиларининг Ёшларга қўшма мурожаати ҳамда Давлат раҳбарларининг савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги баёноти қабул қилинди.

Шубҳа йўқки, Циндао саммитида эришилган келишувлар ҳозирги таҳдидлар ва хатарларга қарши курашиш, мамлакатларимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, ШҲТнинг минтақавий ҳамда халқаро сиёсатдаги ролини ошириш борасида самарали ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Уларнинг татбиқ этилиши ташкилот фаолиятига янги куч ва суръат бағишлайди. ШҲТ аъзолари етакчилари қарорларининг рўёбга чиқиши, моҳиятан ташкилотнинг замон билан ҳамнафас, уйғун, изчил тараққий этаётганини англатади.

Шу тариқа Циндаода ўтган саммит ШҲТ фаолияти самарадорлигини, унга аъзо давлатларнинг эса бугунги таҳдидлар қаршисида умумий интилишларни бирлаштира олишини яна бир бор кўрсатди. Фикримча, Циндаодаги учрашувларнинг асосий натижаси ҳам айнан шу.

*— Саммитнинг якуний ҳужжати бўлмиш декларацияда Ўзбекистоннинг янги ташаббуслари қандай ўрин эгаллади? Ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлашда уларнинг аҳамияти қай даражада?*

— ШҲТ кенгайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Марказий Осиёда, ҳам ШҲТ маконида яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатликнинг янги муҳитини шакллантиришга қаратилган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон ташаббуслари ШҲТни янада ривожлантириш, унинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятини ошириш, халқаро таъсирини кучайтиришда катта аҳамиятга эга. Циндао декларациясида иштирокчи давлатлар БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Ўзбекистон илгари сурган "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, жорий йил март ойида бўлиб ўтган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси якунларини ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнига катта ҳисса қўшган қадам сифатида олқишладилар.

*— Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати ва унинг қоидалари ижроси бўйича Ҳаракатлар дастури ҳақида кенгроқ тўхталсангиз.*

— Бугунги кунда ёшларни террорчилик, айирмачилик ва экстремистик гуруҳларга жалб қилишга уринишларга қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг кучларини бирлаштириш масаласи биринчи ўринга чиқмоқда. ШҲТ мамлакатлари ёшлар ўртасида радикал ва бузғунчи ғоялар тарқалишига қарши ўзаро уйғун, кечиктириб бўлмас чоралар зарурлигини англаб етмоқда. Аъзо мамлакатлар биргаликда ишлаш фикрида қатъийдирлар. Бу, хусусан, Ёшларга қўшма мурожаат қоидалари ижроси бўйича Ҳаракатлар дастурида ҳам акс этган. Унда ҳар томонлама баркамол шахсни, бузғунчи кучларга қарши туриш кўникмасини шакллантириш, ёшларни замонавий билимларни эгаллашга жалб қилиш, миллатлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини уйғотиш бўйича вазифалар кўзда тутилган. Дастур ёшларни тадбиркорлик фаолияти ва инновацион лойиҳаларга жалб қилиш, илмий-техникавий тажриба алмашувлар ҳамда биргаликдаги тадқиқотларни фаоллаштириш, халқаро терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш учун ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган қўшма иқтисодий ва ижтимоий ташаббусларни илгари суришни назарда тутади.

Бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТ Ёшлар кенгаши мазкур дастурнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўла олиши ҳақидаги баёноти амалий аҳамият касб этади. Унинг ишини ташкил қилишда Ўзбекистон энг фаол иштирокчилардан бири бўлишни ният қилган.

Аниқки, бу барча ғоялар ШҲТ давлатлари ёшларининг жамият ҳаётида фаол қатнашишига, уларнинг имконият ва салоҳиятини шахсий ривожланиш, юксалиш учун, ўз юрти тараққиёти ҳамда халқаро мулоқотни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш учун сафарбар этишга туртки бўлади.

БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясини ҳамда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаатини қабул қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон ташаббуслари халқаро сиёсий ҳамда таҳлилчи-эксперт доираларда кенг маъқулланганига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Уларнинг ШҲТ томонидан қўллаб-қувватлангани эса аъзо мамлакатларнинг ташкилот жипслигини мустаҳкамлаш, жаҳон майдонидаги таъсирини ошириш, минтақавий ва халқаро аҳволнинг долзарб масалалари борасида "бир овоздан" гап айтишга уринаётганини англатади.

*— ШҲТнинг Циндао саммитида Давлат раҳбарлари кенгаши ШҲТ Бош котиблигига Сизнинг номзодингизни тасдиқлади. Ушбу лавозимда ўз ишингизни қандай ташкил қилмоқчисиз?*

— ШҲТнинг Циндао саммити мен учун касбий ҳаётимдаги муҳим даврнинг бошланиши бўлди. Бош котибликка тайинланишимни ШҲТ давлатлар раҳбарлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан кўрсатилган юксак ишонч, ўзим учун катта шараф, деб биламан. Бу, айни дамда, катта масъулият ҳамдир. Лавозим мажбуриятларини бажаришга киришгач, ШҲТ анъаналарини давом эттириш, ташкилотни янада ривожлантириш, ШҲТ Котибияти томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун баҳоли қудрат хизмат қилишни ният қиляпман. Ушбу вазифада ШҲТга аъзо барча мамлакатлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз ишимнинг бош тамойили, деб биламан.

Циндао саммитида томонлар умумий келажакка эга жамият яратиш учун турли соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишдилар. ШҲТ Котибиятининг янги раҳбари сифатида қуйидаги тўрт йўналишга алоҳида аҳамият қаратаман:

**Аввал қабул қилинган, ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ишончни, яхши қўшничилик муносабатларини кучайтириш ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган келишувлар ва асос ҳужжатлар ижросини тўла таъминлаш.** Бутун дунёда мавҳумлик ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолат ҳукм сураётган бир пайтда ШҲТ маконида ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларни яхшилаш — биз учун ҳаётий муҳим вазифа. Энг асосийси, Циндаода қабул қилинган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режасининг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев таъкидлаганидек, бу ҳужжат ҳамкорлигимизнинг туб асоси бўлиб, усиз олдимизга қўйилган мақсадларга, шу жумладан, ташкилот ҳудудида хавфсизлик ва ривожланишга эришиш имконсиздир. ШҲТ минтақасида унинг ижросини таъминлаш Афғонистондаги воқеалар ривожига ҳам чамбарчас боғлиқ. Ушбу омилни инобатга олсак, ҳамкор давлатларнинг бу йўналишдаги интилишларини бирлаштириш учун "ШҲТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳи механизмини фаол ишга солиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин баёнотида айтилганидек, мазкур давлат ҳудудидан келиб чиқаётган террористик хатарга қарши биргаликда курашиш, гиёҳвандлик моддалари ишлаб чиқариш ва транзитини йўқ қилиш, Афғонистонга миллий ярашув, иқтисодий тикланиш ва барқарорликни таъминлаш ишида кўмак бериши муҳим.

**Иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш орқали ШҲТ кун тартибини мазмунан бойитиш.** Ташкилотга асос солинган пайтдан буён ўтган йиллар ичида гарчи иқтисодий шерикчиликни чуқурлаштириш ШҲТнинг устувор йўналишларидан бири, дея эълон қилинган бўлса-да, аъзо мамлакатлар кўп томонлама қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга муваффақ бўлмади. Бу йўналишдаги ҳамкорликнинг ривожланиши энг паст даражада қолиб кетяпти. Шу муносабат билан ШҲТ саммитида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-инвестициявий лойиҳаларни икки томонлама шаклдан кўп томонлама кўринишга олиб чиқиш зарурати қатъий таъкидланди.

Жаҳон савдосида протекционизмнинг кучайиши, дунё бозорлари соғломлашувининг сустлиги шароитида ШҲТнинг ихтисослаштирилган механизмлари доирасидаги алоқаларни кўпайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон қайд этганидек, ШҲТнинг Банклараро бирлашмаси ва Ишбилармонлар кенгашининг ташкилотга аъзо мамлакатлар бизнес доираларини боғловчи ишончли кўприк сифатидаги ролини кучайтириш ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Айни дамда янги йирик ва ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни яратиш ҳамда рўёбга чиқариш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун тегишли молиявий воситалар, аниқроғи, ШҲТ Тараққиёт банки ва Тараққиёт фонди (махсус ҳисоб)ни шакллантириш бўйича умумий ҳаракатларни фаоллаштириш зарурати юзага келди. Ташкилот доирасида устувор қўшма лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кўп қиррали механизмларни яратиш олдимиздаги муаммоларни янада самаралироқ ечиш имконини беради.

Қолаверса, ШҲТ давлатлари ҳудудида экспорт-импорт операцияларини соддалаштириш, аниқ иқтисодий, инфратузилмавий ва транспорт-логистика лойиҳаларини ишга тушириш, кўп томонлама минтақавий алоқаларни ШҲТ Ҳудудлар раҳбарлари форуми майдончасини қўллаган ҳолда ривожлантириш ўзаро савдо айланмасининг ошиши учун талаб этилаётган заминни ҳосил қилади. Шу маънода, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Хитой ва ШҲТ ўртасида минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун Циндаода махсус намойиш зонасини барпо этиш, шунингдек, бизнес алоқаларда ҳуқуқий кўмак бериш мақсадида ШҲТга аъзо мамлакатлар учун юридик хизматлар қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги баёноти ҳам муҳим саналади. ШҲТ Банклараро консорциуми доирасида Хитой 30 миллиард юань ҳажмидаги махсус кредит механизмини яратади.

Эслатиб ўтишни истардимки, Ўзбекистон Президенти Циндаодаги саммитда ШҲТ маконининг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш масаласини муҳим стратегик вазифа сифатида тилга олди. Шавкат Мирзиёев "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида минтақалараро транспорт лойиҳаларини амалиётга татбиқ қилиш долзарб эканини алоҳида таъкидлади. Бу транспорт йўлаклари — энг йирик дунё бозорларига олиб борувчи қисқа йўналишлардир. Ўзбекистон Мозори Шариф — Ҳирот, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл линиялари қурилишини маъқуллайди. Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков ШҲТ мамлакатларининг транзит ва экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширадиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси тезроқ ишга туширилишидан республика манфаатдор эканлигини билдирди. Шу мақсадларда Ўзбекистонда ШҲТга аъзо давлатларнинг темир йўл бўйича идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш режалаштирилмоқда. ШҲТнинг Халқаро транспорт-логистика ассоциациясини ташкил қилиш таклифи илгари сурилди.

**ШҲТ** кенгайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Марказий Осиёда, ҳам ШҲТ маконида яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатликнинг янги муҳитини шакллантиришга қаратилган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон ташаббуслари ШҲТни янада ривожлантириш, унинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятини ошириш, халқаро таъсирини кучайтиришда катта аҳамиятга эга.

**ШҲТ маконида замонавий инновацион технологияларни фаол жорий этиш.** Ҳаётимизга ахборот технологиялари чуқур кириб борар экан, рақамли жамиятга ўтиш глобаллашув жараёнларининг зарурий шарти бўлиб қолмоқда. Шу боисдан ШҲТ доирасида инновация дастурлари ва лойиҳаларини биргаликда рўёбга чиқариш учун аъзо давлатларнинг ҳаракатларини бирлаштириш талаб этилади. Ҳамкорлик юқори технологияларни, рақамли иқтисодиёт ва муқобил энергетикани ривожлантириш ҳамда кенг жорий этишга қаратилмоғи керак.

ШҲТ мамлакатларининг аксариятида рақамли иқтисодиётни тараққий эттириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилгани ва ишлаётганини эътиборга оладиган бўлсак, электронлаштириш жараёнларини тезлаштириш ва янги технологияларни амалиётга татбиқ қилишга устуворлик берилиши ташкилотдаги барчанинг манфаатларига жавоб беради.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, ХХР жамият ва давлатни рақамли тизимга ўтказиш борасида дунёнинг энг етакчи давлатларидан биридир. Хитой томонидан тўпланган тажриба ушбу йўналишни ШҲТга аъзо бошқа мамлакатларни ривожлантиришда ҳал қилувчи ўрин тутиши мумкин. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, ХХР ялпи ички маҳсулотида ахборот технологиялари соҳасининг улуши 4,7 фоизга тенг. Дунё бўйича электрон савдолар транзакциялари умумий ҳажмининг 40 фоизи ушбу давлат ҳиссасига тўғри келади. "The Boston Consulting Group" компанияси маълумотларига қараганда, 2016 йилда хитойлик истеъмолчилар интернет орқали савдоларда 750 миллиард долларга яқин пул сарфлашган. Йирик интернет-компанияси "Alibaba" Хитой рақамли иқтисодиётида шу пайтгача 31 миллион иш ўрни яратди ва 2035 йилга бориб бу кўрсаткични 122 миллионга етказмоқчи. Ҳозир мазкур компания ШҲТ ҳудудида ҳам фаол иш бошлаган: 2017 йилда ШҲТ мамлакатларидан 20 миллион истеъмолчи "AliExpress" орқали Хитойдан товарлар сотиб олган.

"Alibaba" бизнес-мактаби электрон тижорат соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича глобал дастурни ишга туширди. Ундан кўзланган мақсад талабалар ва тадбиркорларга рақамли иқтисодиёт кўникмаларини ўргатиш орқали бутун дунёда электрон тижорат ривожини тезлаштиришдир. Беш йил ичида 1,2 миллион нафар кишини ўқитиш режалаштирилмоқда. Ҳозирги пайтда АСЕАН мамлакатлари талабалари ушбу дастурда қатнашмоқда. ШҲТ давлатлари олий ўқув юртлари ҳам унга фаол қўшилишлари лозим, деб ўйлайман. Аҳамиятлиси, ёшлар учун АКТ соҳасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва келишиш ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қоидалари ижроси бўйича Ҳаракатлар дастуридаги асосий бандлар саналади.

Давлатлар етакчиларининг инновациялар ва юқори технологиялар борасида ҳамкорликни жадаллаштириш бўйича Циндаодаги баёноти соҳа ривожига янги куч бериб, ШҲТ мамлакатларининг бу борадаги улкан ва ҳали тўлиқ очилмаган салоҳиятини юзага чиқаришга ёрдам беради. Ушбу йўналишларнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинган 2018 йилда, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясига Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган Ўзбекистоннинг устувор мақсадлари билан ҳамоҳанг экани диққатга молик.

Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТ мамлакатлари ҳукуматлари ва ишбилармон доиралари иштирокида Ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш форумини ўтказиш тўғрисидаги таклифи амалга ошса, у ҳамкорликнинг самарали механизми ва тажриба алмашиш учун муҳим майдонга айланиши, шубҳасиз. Барча аъзо мамлакатларнинг илмий-техникавий ва технологик салоҳиятини ишга солиш технологик сакрашга эришишни таъминлабгина қолмасдан, ШҲТ доирасида иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни диверсификациялашга ёрдам беради.

**ШҲТга аъзо давлатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳиятини ошириш.** Бу улкан имконият манбаидир. Бугун халқаро ҳамжамият, хусусан, 3,2 миллиард аҳолига эга ШҲТ мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек долзарб масала қаршисида турибди. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 1956 йилда 20 миллион нафар бўлган Марказий Осиё аҳолиси ҳозирги кунга келиб 70 миллион нафарга етди. 2050 йилга бориб эса мазкур кўрсаткич 94 миллион нафарга чиқади ва бу минтақани озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини, шубҳасиз, янада чуқурлаштиради. Бу бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш бўйича кечиктириб бўлмас чоралар қабул қилишни тақозо этади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумот беришича, 30 йилдан сўнг Ер юзи аҳолисини боқиш учун ҳозиргидан кўра 70 фоиз кўпроқ озиқ-овқат керак бўлади. Бу эса инновацион технологиялар жорий этиш, жумладан, махсус технологик қишлоқ хўжалиги паркларини яратиш ҳисобига аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг долзарблигини янада кучайтиради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси учун "яшил йўлаклар" ташкил этиш, уларни етиштириш ва қайта тайёрлашнинг кластер тизимини ривожлантириш ғояси алоҳида эътиборга сазовор. Бу таклиф барча томоннинг манфаатларига жавоб беради, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ШҲТга аъзо давлатлар бозорига экспортини кенгайтириш уларнинг ўзаро фаол ҳамкорлиги учун янги имкониятлар очиб беради. Барча учун манфаатли бундай режалар ШҲТга аъзо давлатлар етакчиларининг "Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлиги дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги қарорини ўз вақтида қабул қилинган ва долзарб, дея баҳолаш учун тўла асос бор.

*— Циндаода илк бор ШҲТ Котибияти ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув Меморандуми (2018 — 2022 йиллар) имзоланди. У қайси йўналишларда ҳамкорлик қилишни белгилаб беради?*

— ШҲТ ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланиши, илм-фан ва таълим соҳасида ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш, ШҲТ халқлари маданий меросининг ўзига хосликларини янада чуқурроқ ўрганиш ва сайёҳликни фаоллаштириш орқали бу объектларни жаҳон ҳамжамиятига кенг намойиш этишга ёрдам бериши лозим. Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди айтиб ўтганидек, ШҲТ макони минг йиллар мобайнида бутун дунёнинг илмий, фалсафий, маънавий ва маданий тараққиёти учун илҳом берган.

Шубҳасиз, мазкур ҳужжат ШҲТга аъзо давлатларнинг жаҳон сайёҳлик бозорига интеграциялашувига ва шу йўл билан уларнинг туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ташкилот ҳудудида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларнинг 15 фоизи жойлашганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Биргина Ўзбекистонда бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб қилувчи 7 мингга яқин бетакрор тарихий-маданий объектлар мавжуд. Маълумотларга қараганда, 2017 йилда ШҲТ мамлакатларидан ХХРга ташриф буюрганлар сони 8,6 фоиз ўсди ва 2,5 миллион нафарни ташкил қилди. Ўз навбатида, 2017 йилда хитойлик туристлар сони 8 фоиз ўсиб, 130,5 миллионни ташкил қилгани ҳолда, улардан 1,8 миллион нафари ШҲТ мамлакатларига саёҳат қилган. Ташқи туризмга улар сарфлаган маблағ 250,6 миллиард долларга етди. Экспертларнинг фикрича, Хитой сайёҳлари сони 2021 йилга бориб 200 миллион нафардан, уларнинг сарф-харажатлари эса 429 миллиард доллардан ошиб кетади. Бу рақамлар ўзаро сайёҳлик алмашинувини кескин ошириш учун улкан имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Саммитда ушбу мақсадни кўзлаб 2019-2020 йилларда ШҲТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги дастурини амалга ошириш бўйича Биргаликдаги ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Аминманки, ШҲТ ва Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатилиши, шунингдек, биргаликдаги ҳаракатлар билан цивилизациялар чорраҳаси бўлмиш Самарқандда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббусининг ифодаси сифатида "Ипак йўли" туризм халқаро университети очилиши ШҲТ майдонида сайёҳлик индустриясининг ривожига катта ҳисса қўшади.

Минтақа буюк маънавий-маданий бойлик маконидир. Уни асраб-авайлаш, кўпайтириш билангина чекланиб қолмай, ҳозирги ва келажак авлод манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш ҳам жоиз. Шу маънода, ШҲТ доирасида қабул қилинган ҳужжатлар Евросиёнинг ушбу кенг майдонида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришда муҳим ўрин тутади, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг "юраги" бўлмиш Марказий Осиё давлатларидагина эмас, балки қўшни минтақаларда ҳам барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга ғоятда катта ҳисса қўшади.

Глобал геосиёсий ва иқтисодий янгиланишлар юз бераётган, дунё ривожланиш салоҳияти тобора Шарққа томон силжиётган бир шароитда, ШҲТ бугунги хавф-хатарларга қарши курашишда юқори даражадаги ҳамжиҳатликни намоён этган ҳолда, дунёдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг "тортишиш кучи маркази" кўчаётганига тимсол бўлиб қолиши мумкин. Турли мамлакатлар ва таъсирли халқаро тузилмаларнинг кенг доираси томонидан ШҲТ билан ҳамкорлик қилишга қизиқишнинг ортгани шунга гувоҳлик берадики, "Шанхай саккизлиги" нуфузли халқаро ташкилот сифатида жаҳонда мустаҳкам ўрин эгаллади. Унга бўлган эҳтиёж бугун жуда юқори.

**Феруза КУБАРЕВА**
**суҳбатлашди.**





**Ҳамжиҳатлик**

*Марказий Осиёни ягона тарих, умумий келажак бирлаштириб туради. Бу ҳақиқат давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган эзгу ғояларда яққол акс этди, ўзининг ҳаётбахшлиги билан минтақа аҳолиси турмушида, том маънода, туб бурилиш ясади. Эндиликда дўстлик, оқибат, меҳр-муҳаббат тушунчалари маълум даврларда синовдан ўтишини ҳис этган ҳолда икки жонажон қўшни мамлакат бугунги глобал даврда тараққиёт ва ҳамжиҳатлик йўлидан дадил боришмоқда. Икки дарё оралиғидаги серҳосил заминда қадим-қадимдан иноқ ва аҳил яшаб келган халқларнинг туташ томирлари бир-бирларини тушунишга хизмат қилаётгани алоҳида мақтовга сазовор. Дўстлик, қардошлик, тинчлик, барқарорлик, ишонч туйғуларини мустаҳкамлагани учун Ўзбекистон раҳбарига минтақа халқлари қатори, Тожикистон аҳолиси ҳам миннатдорлигини билдирмоқда. Президент Имомали Раҳмоннинг юртимизга амалга оширилиши кутилаётган давлат ташрифи олдидан ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар ушбу мамлакатда бўлишганида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилишди.*


Миллий кутубхона Душанбе шаҳри кўрки ҳисобланади.

# ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: ТУТАШ ТОМИРЛАР, ЯГОНА ТАРИХ ВА ЁРҚИН КЕЛАЖАК




## Хўжанд — замонавий шаҳар

Тожикистон шимолида жойлашган Хўжанд шаҳрининг довруғи етти иқлимга кетган, десак муболаға эмас. Александр Македонский бу гўзал кентдан нарёғига ўтишни истамаганиданми ёки, ҳақиқатдан ҳам, Ер юзининг сўнгги нуқтасига етиб келдим, деб ўйлаганиданми, унга Александрия Эсхата (чекка Александр) номини берган эди. Босқинчи мўғуллар Мовароуннаҳрга юришларида Ўтрор ва Банокент забтидан сўнг тутқунликка тушган ўн минглаб асирларни бу ерга қул қилиб ҳайдаб келиб, қалъа мудофаасини синдирмоқчи бўлишган. Аммо Жалолиддин Мангубердининг устози ва дўсти, ғоят истеъдодли саркарда Темур Малик бошчилигидаги мудофаачилар Хўжанд қалъасини мардонавор туриб ҳимоя қилишади. Темур Малик ширвоний шаклда ёпилган қайиқлардан фойдаланиб, дарёнинг ўнг соҳилида жойлашган мўғуллар қароргоҳига ярим тунда тўсатдан ҳужум уюштириб, уларнинг кучини қирқишга муваффақ бўлган экан. Бугунги кунда мазкур қалъанинг қадимий меъморий шакли тикланиб, тарих музейи ҳам шу ердан жой олган. Ҳар куни бу ерга ташриф буюрган юзлаб маҳаллий ва хорижий сайёҳлар Темур Маликнинг ўлмас жасоратлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашади. Унинг қаҳрамонликлари нафақат Хўжанд, балки Марказий Осиё халқларининг барчаси учун беқиёс ибрат эканлигини эътироф этишади. Унинг жасоратлари мангуликка дахлдорлиги хусусида ўзбек ва тожик адиблари, санъаткорларининг тарихий асарлари гувоҳлик беради. Ғоят мураккаб тақдир йўлини босиб ўтган Темур Малик ҳаёти, ирқу миллатидан қатъи назар, юртни севиш, унинг равнақи учун қўлидан келган барча ишни қилишнинг ёрқин намунасидир. Буюк саркарданинг хотирасини абадийлаштириш учун Хўжандда бунёдкорлик ишлари давом эттирилаётгани таҳсинга лойиқ. Жалолиддин Мангуберди ёдга олинган заҳотиёқ, дарҳол Темур Малик ҳам эсга тушади. Бу икки халқнинг турмуш тарзи, урф-удуми, қиёфаси бир бўлгани сингари қаҳрамонлари ҳам бир эканлиги уларни янада яқинлаштиради.

Йигирманчи асрда инқилоблар, урушлар жафокаш бу икки халқнинг бошига қанчадан-қанча кулфатлар солди. Шу билан бирга илм-фан, маданиятда юксалиш даврини ҳам тарих саҳифаларига муҳрлади. Темур Малик ҳимоя қилган Хўжанд қалъасидан унча олис бўлмаган жойда лойдан тикланган уйчада улғайиб, турмуш кечириш мушкуллигидан отаси билан Қўқон томонларга мардикорчиликка жўнаган хипча ўспирин кейинчалик ўзбек илм-фани дарғаси сифатида донг таратди. Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) асосчиларидан бири эканлигидан ташқари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти бўлди. "Улуғбек ва унинг илмий мероси" асари эса унинг номи мангулик билан бўйлашиб кетишига кафолат яратиб берди. Хўжанддан чиқиб, ўзбек илм-фанига беқиёс улуш қўшган бу ўспирин академик Тошмуҳаммад Ниёзович Қори Ниёзий эди! Қомусий билим эгаси бўлган бу улуғ алломанинг ҳаёти ва ижоди бугунги кунда ҳар иккала мамлакат ёшлари учун ибрат мактабидир.


Муғ қалъаси — дўстлик қўрғони.

Сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожланиб бораётган Суғд вилоятининг маркази Хўжанд минтақадаги йирик саноатлашган шаҳарлардан бири ҳисобланади.

*— Ҳозирги кунда қўшни Ўзбекистон билан алоқаларимиз ривожланиб бориши ҳар иккала томон учун манфаатлидир, — дейди вилоят ҳокими Ражаббой Аҳмадзода. — Туризм ва тадбиркорликка мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётган жорий йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси хизматларидан фойдаланишимиз бу соҳадаги имкониятларимизни янада кенгайтирди. Ўзбекистонда иссиқхоналар ташкил этилиши намунали йўлга қўйилган экан. Бу соҳадаги тажрибалар ҳам биз учун самарали бўлади. Ижтимоий-гуманитар, маданий-маърифий соҳаларда алоқаларни йўлга қўймоқдамиз. Спорт, илм-фан ҳар иккала мамлакат ёшларининг бир-бирлари билан борди-келди алоқаларини мустаҳкамлайди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, турли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Тожик-ўзбек ишбилармонлари ҳамкорлигида корхоналар ташкил этилиши бўйича илк қадамлар қўйилмоқда.*

Тожикистон мустақиллиги йилларида улуғ форс-тожик шоири Камол Хўжандийнинг ҳоки Табриздан келтирилиб, унинг уй-музейига асос солинди. "Баҳористон" санаторийси, "Истиқлол" мажмуаси, шайх Маслиҳаддин Бадеуддин Нурининг мақбараси шаҳарнинг диққатга сазовор масканларидандир. Айниқса, туну кун дарвозалари ёпилмайдиган Пайшанба бозори шарқона шукуҳи билан эътиборни тортади.

Ўтган асрда хўжалик раҳбарлари Саидхўжа Ўринхўжаев, Абдуғафур Самадов қишлоқ хўжалиги соҳасида донг таратган эди. Уларнинг эришган ютуқлари иттифоқдош республикалар хўжаликларига ибрат қилиб кўрсатилар эди. Саидхўжа Ўринхўжаевнинг шаҳардан унча узоқ бўлмаган ўз хўжалигида "Арбоб" деб номланган беқиёс сарой бунёд эттиргани ҳам ҳаммага маълум. Ўзига хос меъморий тузилишга эга бўлган бу иншоот муҳташамлиги билан ҳануз кишини лол қолдиради. Унинг айвонидан Хўжанд шаҳри, ўртадан тасмадек оқиб ўтаётган Сирдарё, дарёнинг нарёғидаги Мўнуғил тоғи кафтдагидек яққол кўзга ташланиб туради. 1992 йил республика парламентининг 16-сессияси шу ерда бўлиб ўтгани унинг тарихийлик аҳамиятини янада юксалтирган. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг сиёсий фаолияти ҳам айнан шу жойдан бошлангани туфайли сарой мамлакат аҳолисининг ўзига хос зиёратгоҳига айланган.


Тоғли ўлка мўъжизаларга бой.

## "Куй яқин, оҳанг яқин — дил яқин!"

Суғд вилоятининг қадимий тарихга эга бўлган шаҳарларидан яна бири Истаравшанга йўл олган Ўзбекистон журналистларини Муғ деб аталган тепаликка қурилган амфитеатрнинг муҳташам дарвозалари олдида карнай-сурнай садолари, нон ва асал билан кутиб олишди.

— Дўстлигимиз асалдек ширин бўлишини истаймиз, — дейди истаравшанлик шоира Раъноси Зоирдўхт. — Шунинг учун туз ўрнига асал қўйдик.

Ажабо, шунчалик соғинч, меҳр-муҳаббат, яқинлик!

Ўйин-кулги, куй-қўшиқ, рақсу қувончлар!

Ким айта олади, бу икки халқни бир-биридан узоқда деб?

Куй яқин, оҳанг яқин — дил яқин!

Тил эса кўнгилдан муждалар олиб чиққанида ишққа эврилиб, барчага бирдек тушунарли бўлиш қудратига эга. Зеро, улуғ Жалолиддин Румий лутф этганидек:

***Ишқ тили рубоб тилидек сир эмиш,***
***Турку арабу юнонга бир эмиш.***

Заҳириддин Муҳаммад Бобур "толе йўқ"лигидан ўз юртини тарк этар экан, йўл-йўлакай Ўратепа ва унинг теварак-атрофидаги қишлоқларда ойлаб яшайди. Бобурчак қишлоғи, Бобур тоши сингари ундан қолган ёдгорликларни маҳаллий аҳоли эъзозлаб келади. Айтишларича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тоғ этакларидаги булоқ бошида ўз қўли билан ўтқазган зирк дарахти яқин-яқинларгача бўлган, бу ерда одамлар яшай бошлагач, шу зирк туфайли қишлоқ номини "Бобурчак" деб аташган экан.

— Сирдарё вилояти аҳолиси учун Ўратепа тоғлари ажойиб дам олиш маскани бўлиб келган, — дейди Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи аъзоси Султонмурод Ҳожибоев. — Уларга ҳозир ҳам бағримиз очиқ. Пиримқул Қодиров ўтган асрнинг етмишинчи, саксонинчи йилларида туғилган қишлоғи Кенгкўлга тез-тез келиб турардилар. Ўшанда Ўратепада китоб дўконлари кўп бўларди. Абдувоҳид исмли марказий кутубхона директорини Пиримқул ака яхши таниб қолганлари учун у Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимовни ҳам яхши таниб қолган, учраган одамга уларни танишини айтиб, мақтаниб юрарди. Айниқса, Эркин Воҳидовга бу ерлар жуда ёқиб қолганидан дам олиш масканларимизга ўзлари ҳам келиб-кетаверардилар.

Ардоқли ўзбек шоирининг:

***Дўст билан обод уйинг,***
***Гар бўлса у вайрона ҳам.***
***Дўст қадам қўймас эса,***
***Вайронадир кошона ҳам,***

деган унутилмас сатрлари ҳам эҳтимол ўшандаги меҳру муҳаббатлар тафтидан шоир қалбида алангаланиб, беихтиёр тилига қуйилиб келгандир?

— Пиримқул Қодиров ўша маҳаллардаги бир мақоласида ўзбек-тожик халқларининг дўст-биродарлигини Ўратепадаги қишлоқлар мисолида тасвирлаб берган эди, — дея давом этади С. Ҳожибоев. — Бир қишлоқда тожиклар яшаса, иккинчисида ўзбеклар истиқомат қилади, деб ёзган эди севимли ёзувчимиз.

Ўратепа аҳолиси орасида икки халқнинг яқинлигини ифода этувчи турли-туман латифанамо гаплар юради. Шундайлардан бирида айтилишича, Ўратепанинг сомон бозорида икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаб кетадиган тожик билан ўзбек учрашиб қолибди.

— Бу менми ё бу сенмисан? — дермиш ўзбек соддадиллик билан унинг кўксига бармоғини нуқиб.

Бошқа бир ҳангома эса қовун бозори ёнидаги сўрида болғалик билан суркатлик ёнма-ён қовун еб ўтиришгани ҳақида.

— Худоба шукр! — дебди болғалик ўзбек қовунни еб бўлгач, ўзини тожик тилининг билимдони кўрсатганича.

— Худога шукр! — дермиш суркатлик тожик ҳам тил борасида ундан қолишмаслигини намойиш этганича.

Муғ тепалигидаги амфитеатрнинг атрофини ўраган айвонларда Истаравшаннинг тожигу ўзбек қишлоқлари аҳолиси ўз ҳунарларини намойиш қилаётган экан. Дарвоқе, бу туманда ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, кандакорлик, кулоллик, тўқимачилик, темирчилик сингари халқ ҳунармандчилиги қадим-қадимдан ривожланиб келган. Бугунги саноатлашган замонда бундай кўҳна ҳунарлар билан рўзғор тебратиш анчалик мушкул кечса-да, қадрият сифатида улар халқ орасида ҳамон эъзозлаб келинади. Ҳавоси салқин бу ҳудудда қишлоқ хўжалигининг мевачилик, сабзавотчилик соҳалари ҳам яхши ривожланган.

— Илгари Тошкент бозорларида биз олиб борган сабзи-картошка, олма-нокларни талашиб-тортишиб олишарди, — дейди Чорбоғ қишлоғида истиқомат қилувчи деҳқон Ҳабибилла Нуруллаев. — Ҳовлимда етиштирган олмаларга Қўйлиқ бозоридан харидорлар келиб, ўзлари олиб кетишарди. Қовун-тарвузларни эса Мирзачўлдан келтирардик.

Ўратепа қир-адирларида узумчиликни ривожлантириш учун ҳам беқиёс имкониятлар мавжуд экан. Бозорлар очиқ бўлса, маҳсулотни олиб турса, бу соҳалар ўз-ўзидан ривожланаверади.

*— Бу томони Жиззах, бу ёғи Сирдарё вилоятлари бизнинг ён қўшнимиз, — дейди Истаравшан тумани ҳокими Баҳром Иноятзода. — Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлгани каби Зомин тоғлари билан туташиб кетган бизнинг баҳаво қир-адирларимизда ҳам экотуризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Айниқса, ёз ойларида тоғ ҳудудларидаги соя-салқин жойларда, шарқироқ булоқлар бўйида дам олишга нима етсин?*

Туман ҳокими эътироф этганидек, табиатнинг бағри кенг, у ҳеч кимдан ўз саховатини аямайди.

## Тошга битилган байтлар

Ўратепадан чиқиб мамлакат пойтахти Душанбе шаҳри сари йўналган тоғ йўли бўйидаги сўлим масканда ижодий гуруҳни шаҳристонликлар кутиб олишди. Шаҳристонда олиб борилган археологик изланишлар натижасида Марказий Осиё тарихига оид қимматли маълумотлар топилганини мутахассислар яхши билишади. Шаҳристон довонидан ўтгач, Айний, Мастчоҳ туманлари бошланди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Масчонинг пастки кенти Оббурдондир. Оббурдондан қуйироқда бир чашма бўлиб, бу чашмадан юқориси Масчога қарашли. Қуйиси Палғарга тааллуқлидир. Ушбу чашма бошида, унинг ёқасидаги тошга бу уч байтни сабт эттим.

***Шунидамки, Жамшеди фаррухсиришт,***
***Ба сарчашмае бар санге навишт:***
***Бар ин чашма чун мо басе дам заданд,***
***Бирафтанд то чашм барҳам заданд.***
***Гирифтем олам бо мардию зўр,***
***Ва лекин набурдем бо худ ба гўр".***

Маъноси:

***Эшитган эдимки, Жамшиддек номдор***
***Бош булоқ тошига ёздирди ёдгор:***
***Бу булоқ бошига кўплар етдилар,***
***Кўз юмиб очгунча йитиб кетдилар.***
***Мардлигу зўрлик-ла оламни олдик,***
***Лекин қабристонга қуруқ йўл солдик.***

Форс адабиётининг буюк намояндаси Саъдий Шерозий қаламига мансуб байтлар битилган бу тошни машҳур тарихчи олим Александр Семёнов "Бобур тоши жаҳоннинг энг машҳур музейлари зийнати бўла олади!" дея таърифлагани ҳақида гап-сўзлар юради. Ҳозирги кунда Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида сақланаётган мана шундай сип-силлиқ қора тошлардан яна бири Тожикистон Миллий музейида ҳам бўлиб, унда ҳам Мирзо Бобур Шайх Саъдийнинг пурмаъно сатрларини тошга битган. Бу битикларда акс этган инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, яшашдан мақсад-муддао нима эканлиги ҳақидаги умрбоқий ғоялар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Буюк зотларнинг умумбашарий ғоялари қисқа умри давомида инсон ҳаётини безайдиган асосий нарсаларга эътибор қаратиши лозимлигига ундайди.

## Меъморий ечимининг ўзи бир мўъжиза

Китобга бўлган муносабат орқали ҳар қандай жамият ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Тожикистон кутубхоналарида ўтган асрда чоп этилган барча китоблар ҳам кўз қорачиғидек эъзозлаб, асраб келинади. Шу сабабли қишлоқ кутубхоналари захиралари ҳам анча бой. Мамлакат шаҳарларидаги марказий кутубхоналар эса пойтахт Душанбе шаҳридаги Тожикистон Миллий кутубхонаси билан замонавий ахборот узатиш технологиялари орқали доимий алоқада. Миллий кутубхона меъморий ечимининг ўзи бир мўъжиза, унинг ташқи кўринишиёқ кишини ҳайрат олами сари етаклайди. Унинг деворлари кулранг тусда бўлиб, киши руҳида аллақандай ёқимли таассурот уйғотади. Узоқдан қараган кишига саҳифаси очиб қўйилган китобни эслатади. Тожик маданиятига ҳисса қўшган 22 нафар ижодкорнинг бюсти китоб саҳифаларидан боқиб тургандек. 2012 йил 20 мартда Президент Имомали Раҳмон иштирокида очилган тўққиз қаватли мазкур кутубхонанинг узунлиги 167, баландлиги 52 метрни ташкил этади. Унинг умумий майдони 45 минг квадрат метрга тенг. Ўнлаб ўқув заллари, галереялар, тадбир ва кўргазмалар ўтказишга мўлжалланган залларга эга.

*— Кутубхонамизда мижозларга замонавий хизмат кўрсатиш учун барча қулайлик мавжуд, — дейди халқаро муносабатлар ва маданий алоқалар бўйича директор ўринбосари Салима Ражабова. — Электрон каталог ва кутубхоналар тузилган, юксак даражада хизмат кўрсатиш мақсадида инновацион лойиҳалардан фойдаланяпмиз.*

Мазкур кутубхона Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан мустаҳкам алоқа боғлаган.

## Қайирмаликлар

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидан бир гуруҳ ҳамюртларимиз ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Кўлобга бориб жойлашиб қолишган экан. Ҳозирги кунда улар Томошатепа деган жойда яшашади.

— Ғузорнинг Қайирмасиданмиз, — дейди ўзини Ҳожихушназар Ражабов деб таништирган оппоқ соқолли саксон яшар отахон. — Ота-боболаримиз туяга ўтириб, бу ерга келиб қолишган. Мана ҳозир кўпайишиб, 400 хўжаликка етдик.

— Қавму қариндошларимиз, уруғларимиз билан борди-келди қилиб турамиз, — дейди Мирзо Менглиев. — Биз энди шу ерга кўникдик.

Қадим афсоналарга ўхшаб кетадиган бу воқеа ҳайратланарлидир. Бу ёғини олиб қарасангиз, Ўратепада ҳам Қайирма қишлоғи бор. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева Боёвут туманида таваллуд топган бўлса ҳам, ота-боболари шу қишлоқдан. Тошкент, Сирдарё вилоятларида ҳам қайирмаликлар истиқомат қилади.

Бу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, ўзбегу тожик эт билан тирноқ каби бир-биридан ажралмас оға-инилардир.

— Бу бир синов даври, — дер экан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида таваллуд топиб Душанбе шаҳрида яшаган зуллисонайн шоир Ўлмас Жамол маҳалладошларига таскин-тасалли берганича. — Кун келиб бир мард ўртага чиқадию, алоқаларимиз яна тикланганида мана шу синов даврининг сабоқлари ҳали жуда асқатади.

Бохтар шаҳрининг Ургут маҳалласида кексалар марҳум зуллисонайн шоир Ўлмас Жамолнинг бу сўзларини эслашиб, унинг ўзи бу кунларни кўролмаганига афсусланишди, унинг руҳига ўзбек ижодкорлари билан биргаликда дуо ўқишди.

Синов даври ортда қолди.

Энди эса замондан ортда қолмай ҳамнафас ҳаракат қилиш, бир-бирини тушуниш томирлари туташ, тарихи ягона, келажаги муштарак халқларимиз манфаатларига хизмат қилади.

**Шойим БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» махсус мухбири.**
**Тошкент — Хўжанд — Душанбе — Тошкент.**

# «Ўзбекистон туфайли дунёга танилдим»



***Мақом ижрочиси, хушовоз хонанда Симара Иманова билан Озарбайжон маданият ва санъат университетида учрашдик. У бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни эшитгач, ҳаяжон ва самимият билан шундай деди: "Юртингиз мен учун ўз Ватанимдек азиз. Зеро, Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали сабаб дунёга танилдим. 1997 йилда, 19 ёшимда ушбу санъат анжуманида қатнашиб, Гран-при олганимни ҳеч қачон унутмайман".***

Озарлар ҳар икки гапининг бирида "Жоним сизга қурбон бўлсин" дея лутф этишади. Қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, Низомийдан, Фузулийдан, Воқифдан байтлар айтишади. Санъатимиз, маданиятимиз, адабиётимиз бир эканлигини эътироф этиб, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат каби бобокалонларимиз мисраларини ёддан ўқишадики, бундай ҳолатларга кўп гувоҳ бўлиб, ҳайратимиз ошди.

Симара эса бармоқлари билан олдидаги столни чертганча Навоий ғазалига басталанган "Қаро кўзим" ашуласини шунчалик берилиб ижро этдики, биз, меҳмонларга қўшилиб мезбонлар ҳам "Тасанно, офарин" дея хонандани олқишлади.

— "Шарқ тароналари" биринчи халқаро мусиқа фестивалига таклиф этилганимда, жуда ҳаяжонланган эдим, — дейди у. — Негаки, ёш ва тажрибасиз эдим. Қолаверса, бундай нуфузли анжуманда ўша йили 40 га яқин мамлакатлардан мана-ман деган санъаткорлар қатнашиш истагини билдирган... Орадан 21 йил ўтган бўлса ҳам, ўша лаҳзаларни худди ҳозиргидек эслайман. Чиқиш навбати менга етгач, сухандон: "Симара Иманова, Озарбайжон Республикаси" деб эълон қилди. Афсонавий Регистон майдонига йиғилганлар гулдурос олқишлар билан мени кутиб олишди. Бу илк далда бўлди. Тезда ўзимни қўлга олиб, қўшиқни бошладим. Биласизми, мени яна нима ҳаяжонлантирди? Регистонда ҳар бир оҳанг, овоз ўзгача жаранглар экан, бундан қаттиқ таъсирландим, илҳом олдим. Ижроимдан сўнг тингловчилар узоқ қарсак чалишди. Очиғи, мен ўзбекларнинг санъатни бунчалик севиши, қадрлаши, қўшиқни берилиб тинглашини кўриб, лол қолдим. Бугунги кунда Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга бўлган эътибор янада юксалганидан ҳавасдаман. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда Ўзбекистонда халқаро мақом санъати анжумани ўтказилишини эшитиб, хурсанд бўлдим. Биласиз, Озарбайжонда ҳам бундай фестиваль бор. Ўйлайманки, ҳар икки мамлакатда уюштириладиган санъат анжуманлари ўнлаб, юзлаб истеъдод эгаларини кашф этиш, икки томонлама ўрнатилган дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Диллашув**

Бугунги кунда Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга бўлган эътибор янада юксалганидан ҳавасдаман. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда Ўзбекистонда халқаро мақом санъати анжумани ўтказилишини эшитиб, хурсанд бўлдим. Биласиз, Озарбайжонда ҳам бундай фестиваль бор. Ўйлайманки, ҳар икки мамлакатда уюштириладиган санъат анжуманлари ўнлаб, юзлаб истеъдод эгаларини кашф этиш, икки томонлама ўрнатилган дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Озарбайжон халқ артисти Симара Иманова — айни пайтда университет доценти. У ёшларга мусиқа ва анъанавий ижрочилик йўналишида сабоқ беради. Санъатнинг беқиёс кучи ҳамда инсон онгига таъсири ҳақида фикр билдирар экан, жумладан, шундай деди:

— Мусиқа санъати инсонни ҳамиша эзгуликка чорлайдиган, ҳар қайси одамнинг қалбидаги энг нозик, энг гўзал туйғуларни уйғотадиган буюк илоҳий куч. Турли миллат, тил ва эътиқодга мансуб одамларни, элу элатларни ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлашда, муштарак мақсадлар йўлида бирлаштиришда бирор-бир санъат тури бунчалик қудратга эга эмас. Бунинг исботи 2015 йилда — "Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивалига меҳмон сифатида таклиф этилганимда ҳам яққол кўзга ташланди. Зеро, фестиваль давомида хорижлик санъаткорлар нафақат Самарқанд шаҳрида, шу билан бирга, Тайлоқ, Жомбой, Оқдарё туманларида ҳам ўз чиқишларини намойиш этишди. Уларнинг куй-қўшиқларига маҳаллий аҳоли вакилларининг жўр бўлиши меҳмонларга янада илҳом бағишлади. Жумладан, ана шундай учрашувларнинг бирида Филиппин ҳамда Жанубий африкалик созанда ва хонандаларнинг бадиий дастурлари мезбонларга қанчалик завқ улашган бўлса, маҳаллий хонандаларнинг қўшиқлари Ер юзининг олис нуқталаридан келган меҳмонлар ҳавасини уйғотди. Чунки куй-қўшиқ, тароналар тили, миллати бошқа-бошқа бўлган давлат вакилларини ягона мақсад — Тинчликни мадҳ этишга ундаган эди.

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг чиқишларини интернет орқали кузатиб бораман. У кишининг бугунги шиддатли даврда жаҳонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, гўзал ҳаётни қадрлаш, олис ва яқин мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаб, турли халқларнинг маданий бойликларидан бир-бирини кўпроқ баҳраманд этишга оид ташаббуслари беқиёс аҳамиятга эга. Шу боис бу инсонга бўлган ҳурматимни намойиш этишдан чарчамайман. Тилагим, Президентингиз соғ-омон бўлсин. Қилаётган хайрли ишларини давом эттиришида Аллоҳ куч-қувват ато этсин.

*Симара Иманова билан хайрлашар чоғимизда, у жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида концерт дастури намойиш этганини айтгач, барибир энг катта орзуси ушалмаганини ҳам билдирди. Қандай орзу экан, дея қизиққан эдик, жавоб шундай бўлди: "Ўзбекистонда, Регистон майдонида яккахон чиқишим билан юртингиздаги санъат мухлисларини хушнуд қилсам, армоним қолмайди!"*

*— Ниятингизга етишингизга тилакдошмиз.*

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» махсус мухбири.**
**Боку, Озарбайжон Республикаси.**

## Жиззах томонларда



### Йўловчилар узоғи яқин бўлди

*Жиззах шаҳридан Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳрига қадар янги поезд қатнови йўлга қўйилди.*

— Бундан ўн йиллар олдин туманимиздан вилоят марказига поезд қатнови йўловчилар камлиги рўкач қилиниб тўхтатиб қўйилганди, — дейди фуқаро Тозагул Алланазарова. — Поезд қатновининг қайта тикланиши кўпчиликнинг қувончига сабаб бўлди. Тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун бу йўналиш жуда қўл келмоқда.

### Фермер опанинг болажонларга туҳфаси

*Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида фаолият олиб борувчи "Абди ота" фермер хўжалиги раҳбари Муқаддас Абдиева давлат таълим стандартлари асосида фаолият олиб борувчи янги боғча қуриб берди. Унда болаларнинг дам олишлари, машғулотлар ўтказиши учун барча шарт-шароит яратилган.*

— Асосий харажатларни фермер хўжалигимиз ҳисобидан амалга оширдик, — дейди Муқаддас Абдиева. — Етмаганига "Ўзсаноатқурилишбанк" туман бўлимидан 17 миллион сўм кредит олдик.

Инглиз, рус тилларини ўргатиш йўлга қўйилган бу боғча 15 нафар болажонни бағрига олди.

### "Қувонч" ижодга киришди

*Жиззах вилояти мусиқали драма театри қошида "Қувонч" болалар ҳаваскорлик театр-студияси ташкил этилди.*

— Масканимизда театр санъатига қизиқувчан ёшлар йиғилган, — дейди театр-студияси бадиий раҳбари Гулшан Каримова. — Уларга устоз санъаткорлар сабоқ бермоқда.

Ижодий жамоа томонидан "Хасис бой ва хизматкор" номли театрлаштирилган томоша саҳналаштирилди. Мазкур спектакль қатор таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар ҳамда ёзги оромгоҳларда намойиш этилди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ҚУЛАЙЛИК**

## Замонавий аквапарк

*Самарқанд шаҳрида "Дабусия Самарқанд аквалайн" масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий аквапарк бунёд этилди.*

Ушбу масканда алоҳида чўмилиш жойи, бассейн, жакузи, аттракционлар мавжуд. Бу ерда бир вақтнинг ўзида минг, кун давомида эса қарийб тўрт минг нафарга яқин кишиларга хизмат кўрсатилади.

Аквапаркда махсус автотураргоҳлар, умумий овқатланиш шохобчалари ҳам ишлаб турибди.

— Мазкур лойиҳа қийматининг 40 фоизи хитойлик инвесторларга тегишли, — дейди ижрочи директор Баҳриддин Иброҳимов. — Йил охиригача яна қишки бассейн, соғломлаштириш маркази, 200 ўринга мўлжалланган меҳмонхона қурилишини якунига етказиш режалаштирилган. Айни пайтда 30 нафар ходим фаолият юритяпти. Тўлиқ қувватда иш бошланиши билан яна 90 нафар юртдошимизнинг бандлиги таъминланади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QQB | QISHLOQQURILISHBANK




ДАСТУРДАН ФОЙДАЛАНИБ:

- Мобиль алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари;
- «Қишлоқ қурилиш банк»дан олинган истеъмол ва ипотека кредитлари;
- коммунал хизматлар;
- Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарималари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Илова ёрдамида «МУНИС» тўлов тизими орқали «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имконияти мавжуд.

*«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!*

(+99871) 150-39-93, 150-76-47 www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

495R/

«TO'PALANG HPD HOLDING» МЧЖ

қурилиш-монтаж, кадрлар ишини юритиш, иқтисодиёт соҳалари бўйича малака ва тажрибага эга бўлган ёш мутахассисларни

танлов асосида ишга қабул қилиш мақсадида

2018 йил август ойининг пайшанба кунлари соат 15.00 дан бошлаб соҳадаги етук мутахассислар иштирокида танлов эълон қилади.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.*
*«Ўзбекгидроэнерго» АЖ биносининг ён томонидан кирилади.*
*Мўлжал: Ёшлар театри.*
*Автобуслар: 28, 69, 91, 115, 168, 173.*
*Мурожаат учун телефон: (+99895) 475-60-70.*

657R/328

«ELXOLDING»




ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛЛАР

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА ВА КРЕДИТГА.

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-12-54.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси

**Йўлдош МУҚИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилояти Ахборот-кутубхона маркази директори вазифасини бажарувчи Маъруф Абдушукуровга онаси

**Чинпихол АЛИҚУЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 229. Буюртма Г – 845. 78 048 нусхада босилди, ҳажми – 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6726

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 01.55 1 2 3 5 6